

# Муҳаммад ﷺ дан кейин ким пайғамбарлик даъвосини қилса... | Ақийда дарслари (300-дарс)



16:29 / 28 октябрь 942

دَعَبِ ءُؤْبُنِ لَىٰ وَءَدُّ لُكَّو  
ىَّوَهُوْ ىَّيَعْفِ ِهتَّؤْبُنِ

**У зотдан кейинги ҳар бир пайғамбарлик даъвоси адашиш ва ҳавойи нафсга эргашишдир.**

**Шарҳ:** Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин ким пайғамбарлик даъвосини қилса, бу даъво залолатдан ва ҳавойи нафсга эргашишдан бошқа нарса эмас. Унинг даъвоси ботилдир. У зот набийларнинг сўнггиси эканлари собит бўлганидан кейин, ким у зотдан кейин пайғамбарлик даъвосини қилса, ёлғончи экани ўз-ўзидан маълум. Чунки Аллоҳ таоло у зотнинг охириги пайғамбар эканликлари ҳақида хабар берганидан кейин, биров келиб, пайғамбарликни даъво қилиши ва бу даъвосида ёлғончилигининг аломати зоҳир бўлмаслиги амри маҳолдир.

Бунга далил – Аллоҳ таолонинг

قَدْ خَلَقْنَاكَ وَالنَّبِيِّينَ وَخَاتَمَ اللَّهِ رَسُولًا وَلَكِنْ

«Лекин Аллоҳнинг Расули ва набийларнинг сўнггисидир» (Аҳзоб сураси, 40-оят) ояти ва олдин келтирилган ҳадислардир. Бас, бу у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги пайғамбар эканликларининг самарасидир.

نَجَلِ اِمْعَاةٍ لِّاِيْثُ وُعْبَمَلِ اُوْهَو  
قَحْلِ اِبِ، يَرْوُلِ اِءَفَاكْ و  
ءَايِضَلِ اُو رُوْنَلِ اِبَ و، يَدُّهَلِ اُو

У зот жинларнинг ҳаммасига ва инсларнинг барчасига ҳақу ҳидоят, нуру зиё билан юборилгандирлар.

**Шарҳ:** Яъни Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни жамики инсон ва жинларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб бериш, Қуръонни ва ҳикматни ўргатиш, турли ақийдавий, ахлоқий ва амалий ифлосликлардан поклаш учун юборди. Бас, у зот ҳидоят ва ҳақ дин ила ушбу ҳақ динни бошқа динлардан устун қилиш учун келдилар.

У зотнинг ҳамма жинларга пайғамбар этиб юборилганликлари ҳақида қуйидаги икки оят далил ўлароқ келтирилади.

Биринчи оятда жинларнинг тилидан:

اللَّهُ دَاعِيَ أَجِيبُوا يٰقَوْمَنَا

«Эй қавмимиз, Аллоҳнинг даъватчисига жавоб беринг», дейилган (Аҳқоф сураси, 31-оят).

Иккинчи оятда эса яна жинлар ҳақида:

بِهِ ۞ فَآمَنَّا الرُّشْدِ إِلَى يَهْدَى ۞ عَجَبًا قُرْءَانَا سَمِعْنَا إِنَّا فَقَالُوا ۞

«...ва дедилар: «Биз ажойиб Қуръонни эшитдик. У тўғри йўлга ҳидоят қиладир. Бас, биз унга иймон келтирдик...», дейилган (Жин сураси, 1-2-оятлар).

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни олиб келдилар, бошқа нарсани эмас.

**У зотдан олдин ҳам жинларга пайғамбар келганми?**

Ҳа, келган. Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари бунга далилдир:

رُسُلٌ يَأْتِكُمُ الْمَاءَ وَالْإِنْسِ الْجِنَّ يَمَعَشِرَ

«Эй жин ва инс жамоалари!.. ўзингиздан бўлган расуллар келмадими?» (Анъом сураси, 130-оят.)

بَعْدِ مِنْ أَنْزَلَ كِتَابًا سَمِعْنَا إِنَّا

«Эй қавмимиз! Биз Мусодан кейин нозил қилинган... Китобни эшитдик» (Аҳқоф сураси, 30-оят).

Ушбу оятнинг зоҳири Мусо алайҳиссаломнинг жинларга ҳам юборилганлигига далолат қилмоқда.

У зот алаҳиссаломнинг инсонларнинг барчасига пайғамбар этиб юборилганликларининг далиллари қуйидагилар:

وَنَكِيرًا بَشِيرًا لِلنَّاسِ كَافَّةً إِلَّا أَرْسَلْنَاكَ وَمَا

«Сени барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик» (Сабаъ сураси, 28-оят).

جَمِيعًا إِلَيْكُمْ اللَّهُ رَسُولٌ إِنِّي النَّاسُ يَتَأَيُّهَا قُلُّ

«Эй одамлар! Албатта, мен сизларнинг барчангизга... Аллоҳнинг Расулидирман», деб айт» (Аъроф сураси, 158-оят).

بَلِّغْ وَمَنْ بِهِ لِنُذْرِكُمْ الْقُرْآنُ هَذَا إِلَيَّ وَأَوْحَى

«Менга ушбу Қуръон Унинг ила сизларни ва у етиб борганларни огоҳлантиришим учун ваҳий қилинди» (Анъом сураси, 19-оят).

شَهِيدًا بِاللَّهِ وَكَفَى رَسُولًا لِلنَّاسِ وَأَرْسَلْنَاكَ



**«Биз сени одамларга Расул қилиб юбордик. Гuvoҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур»** (Нисo суpаси, 79-оят).

Ушбу оятдаги «одамларга» сўзи умумийдир.

النَّاسَ أَنْذِرِ أَنْ مِنْهُمْ رَجُلٌ إِلَىٰ أَوْحَيْنَا أَنْ عَجَبَ النَّاسِ أَكَانَ

**«Одамларга ўзларидан бўлган бир кишига: «Одамларни огоҳлантир...» деб ваҳий юборишимиз ажабланарли бўлдимиз?»**  
(Юнус суpаси, 2-оят).

نَذِيرًا لِلْعَالَمِينَ لِيَكُونَ عَبْدِهِ عَلَى الْفُرْقَانَ نَزَلَ الَّذِي تَبَارَكَ



**«Оламларга огоҳлантирувчи бўлиши учун бандасига Фурқонни нозил қилган Зот баракотли, улуғдир»** (Фурқон суpаси, 1-оят).

Ушбу оятдаги «оламларга» сўзи инсу жинни ўз ичига олади.

**Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.